

Янги йил байрами муносабати билан хайрия ташкил этилди

// 27.12.2023

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/yangi-yil-bayrami-munosabati-bilan-hayriya-tashkil-etildi>



Бугун "Ўзкимёсаноат" АЖ ҳамда "Ўзкимёимпекс" МЧЖ ҳомийлигида Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Шайхонтохур бўлинмаси аъзолари учун Янги йил байрами муносабати билан тадбир ташкил этилди.



Мазкур бўлинмада 105 нафар И-ИИ гуруҳ кўзи ожиз инсонлар ҳисобга олинган. Уларнинг аксариятини ёши улуғ, ишга лаёқатиз, боқувчисини йўқотган шахслар ташкил этади ва улар ижтимоий-моддий ёрдамга муҳтож.




Байрам кунлари уларнинг ҳолидан хабар олиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Шайхонтоҳур бўлинмасининг ҳар бир аъзосига “Корзинка” супермаркетига харидлар учун 1 млн сўмлик махсус ваучер тақдим этилди. Шунингдек, ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.



  [uzkimyosanoat](https://uzkimyosanoat.uz)

  uzkimyosanoat.uz

 (+99878) 140-74-26

